

Устки қўл пастки қўлдан яхшидир | Сийрат дарслари (282-дарс)



19:00 / 17 май 1197

420. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай хутба қилдилар:

«Зиқналикдан сақланинг! Албатта, сиздан аввал ўтганлар зиқналик туфайли ҳалок бўлишган. Уларни бахилликка амр қилди, бахиллик қилишди. Уларни алоқаларни узишга амр қилди, алоқаларни узишди. Уларни фожирликка амр қилди, фожирлик қилишди».

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

421. Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни

айтганларини эшитдим: **«Садақа қилинглр. Бир киши садақасини олиб борса, уни берилган одам: «Агар кеча келганингда қабул қилар эдим. Энди эса, менинг унга ҳожатим йўқ», дейди. Уни қабул қиладиган кимсани топмайди».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

422. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб садақани, ифбатни ва тиланчиликни зикр қилдилар: **«Устки қўл пастки қўлдан яхшидир. Устки қўл нафақа қилувчи, пастки қўл сўровчи»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

423. Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахни зикр қилдилар ва ундан паноҳ сўрадилар. Сўнг юзларини уч марта орқага бурдилар ва: **«Дўзахдан бир дона хурмонинг ярми билан бўлса ҳам сақланинглар. Уни ҳам топмасангиз, ширин сўз билан»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.